

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ СОҲАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишнинг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини бошқариш ва жорий этиш соҳасидаги бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ушбу соҳанингда жадал ривожланишига, сифатли ахборот хизматларини кўрсатишга тўқинлик қилмоқда. Хусусан:

**Биринчидан**, телекоммуникация инфратузилмаси етарлича ривожланмаган, мамлакатнинг олис аҳоли пунктлари телекоммуникация тармоқлари билан таъминланмасдан қолмоқда, мобил алоқа ва Интернет тармоқининг сифати аҳоли эҳтиёжларини қондирмапти;

**Иккинчидан**, давлат бошқаруви тизимига ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этишда ягона технологик ёндашувнинг самарали амалга оширилмаганлиги сабабли идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари алоҳида-алоҳида жорий қилинмоқда, бунинг оқибатида уларни ягона ахборот маконида интеграциялаш жараёни мураккаблашмоқда;

**Учинчидан**, электрон тижоратда интеграциялашган савдо ва маркетинг платформалари, интернет-дўконлар, тўлов тизимларини, шунингдек, логистика тизимларини жорий этишга етарлича эътибор қаратилмапти, бу иқтисодий ва тадбиркорлик ривожланиши, чет эл инвестициялари жалб қилиниши тўхтатиб турилишининг сабабларидан бири бўлмоқда;

**Тўртинчидан**, давлат ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлигини ва ахборотни муҳофаза қилишни таъминлаш ишларининг заиф ташкил этилганлиги ахборотдан руҳсатсиз фойдалана олиш, маълумотлар базаларининг бутунлиги ва махфийлигини бузиш имкониятини оширмоқда;

**Бешинчидан**, кўплаб давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, бюрократик тартиб-таомилларга барҳам бериш, қоғоз ҳужжат айланишини камайтиришга қаратилган ахборотлаштириш ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига етарлича эътибор берилмапти;

**Олтинчидан**, почта алоқа хизматлари ва логистика тизимини модернизация қилиш, почта алоқаси миллий оператори фаолиятининг сифат жиҳатдан янги услубларини жорий этиш ва бозорда унинг фаолияти мавқеини оширишга доир таъсирчан чоралар кўрилмапти;

**Еттинчидан**, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими IT-технологиялар ривожланишининг тезкор суриятларини ҳисобга олмайпти, шунингдек, таълим беришнинг илғор услубларини жорий этиш учун хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари билан самарали мулоқотни ташкил қилиш имконини бермапти;

**Саккизинчидан**, электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизими, уларнинг шаффофлиги ва очиклиги, шунингдек, телекоммуникация инфратузилмасининг ривожланишида анча илгариллаб кетган мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш ва жорий этиш бўйича тизимли иш олиб борилмапти.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, электрон давлат хизматлари ва телекоммуникация хизматлари спектрини кенгайтириш, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг:

Республика ахборот-кутубхона маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфига ўтказиш;

"Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази" давлат муассасасини Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тузилмасига бериш;

Давоми 2-бетда ➔

## ШИДДАТЛИ ИСЛОҲОТЛАР МАСЪУЛИЯТИ

жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари вакилларининг ўз ишларига  
янги кўз билан қарашларини тақозо этмоқда

Нурафшон шаҳрида вилоят хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кўмита бошқаруви аъзолари, туман-шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, давлат ва жамоат бирлашмалари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Партибоева бошқарди.

### Фармон ва ҳаёт

Қайд этиш зарурки, айна пайтда Президентимизнинг алоҳида эътибори ва раҳнамолигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 феврал-

даги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал, таъбир жоиз бўлса, тарихий ҳужжат бўлганини бугун барча яқдиллик билан эътироф этмоқда.

Фармон ижросини сўзсиз таъминлаш борасида вилоятимизда ҳам катта ва қўламли сай-ҳаракатлар бошланиб кетди. Хусусан, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга кўмак бериш, эрта никоҳлар, ажра-шишлар ва аёллар жиноятчилигининг олдини олиш борасида аниқ режали ва манзилли дастурлар асосида қўламли ҳаракатлар кўзга ташланаяпти. Вилоятдаги нуфузли давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддиларидан иборат таркибда тузилган еттита ишчи гуруҳ фаолиятининг асосий мезонини ҳам юқоридаги Фармон талабларини мукамал таъминлаш, аввало, бу тарихий ҳужжат моҳиятини аҳолининг кенг қатламлари-

га етказиш, хотин-қизларимизнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини юксалтириш, давлат ва жамоат ишларига дахлдорлик масъулиятини ошириш каби бири-биридан долзарб вазифалар ташкил этаётир.

Сўзга чиққанлар ишчи гуруҳлар фаолияти самарадорлигига эришиш борасида зарур таклиф ва тавсияларни ўртага ташладилар. Худудий хотин-қизлар кўмиталари, бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, малакали кадрлар билан тўлдириш борасидаги ишларнинг аҳоли қизгин муҳокама қилинди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

## МОДЕРНИЗАЦИЯ:

### ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛДИ

Тошкент туманидаги "Azia favorit plus" корхонасида енгил ва юк автомобиллари, қўл телефони ва бошқа телекоммуникация воситалари учун аккумуляторлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона тақдир этган маҳсулотлар юртимиз бозорларида ўз хариддорларини топаётгани қувонарли.

– Мамлакатимизда автомобиль саноатининг ривожланиши, телекоммуникация равнақи, мобил алоқа аппаратларининг кўпайиши турли катта-кичик аккумуляторларга бўлган та-

этиб, маҳсулот тури ва сифатини, меҳнат самардорлигини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Саккиз йил илгари корхонамиз фаолияти чегараланган бўлиб, маҳсулотларнинг сони ҳам

чиқариш имконияти яратилди. Айтиш жоиз, кўрғошин кислотали аккумуляторлар чидамлиги, ҳамёнбоплиги, Ўзбекистон шaroитига тўлиқ мослаштирилгани ва юқори техник имко-

ган. Корхона мутасаддилари айна кунда кўп миқдорда товар сотиб олувчиларга чегирмалар жорий этиш мақсадида таклифлар ишлаб чиқмоқда. Аккумуляторларни Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилиш бўйича келишувга эришилган. Корхонада 25 нафар ишчи меҳнат қилади. Улар махсус иш кийимлари, бир марталик иссиқ оват билан таъминланади.

– Аккумуляторлар ишлаб чиқариш жуда мураккаб жараён, – дейди ёш мутахассис Дониёр Абдурахмонов. – Бу инсондан алоҳида эътибор, етарли куч-қувват, техника хавфсизлигига қатъий риоя қилишни талаб этади.

Бугунги кунда корхонада ўз бизнесини таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар олиб келиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда 4 гектар ерга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун музлаткичи омбор қуриш режалаштирилган. Агар бу ишлар амалга ошса, яна бир қанча янги иш ўринлари яратилади.

**Зухриддин РАҲМОНОВ,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири  
Мансур ҲИММАТОВ  
олган сурат



лабни оширмоқда, – дейди "Azia favorit plus" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ойбек Тўрабеков. – Жамоамиз чет эл тажрибасидан фойдаланган ҳолда, янги технологияларни жорий

кам эди. Замонавий технологиялар келтирилгандан сўнг ишимиз ривожланди. Вагонлар, юк автомобиллари, қуёш панеллари ва мобил алоқа воситалари учун аккумуляторлар ишлаб

ниятлари билан ажралиб туради. Шу сабабли, корхона маҳсулотларига талаб ошаётир.

Маълумотларга кўра, "Azia favorit plus" МЧЖда 2017 йили 3 миллиард сўмлик маҳсулот сотил-

### Паспортим – фахрим

Айни кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ногиронлиги бўлган шахсларга фуқаролик паспортлари топширилмоқда.

### МЕҲМОНЛАР СОВҒА БИЛАН КЕЛИШДИ

Жумладан, Зангиота туманидаги "Сортепа" маҳалласида яшовчи Жангиш Ашурова хонадонига туман прокуратураси ва ички ишлар кетишган эди. Сортепалик яна бир фуқаро Абдурахмон Ортиқов ҳам хонадонига кириб келган вилоят ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ходимлари ташрифидан қувониб кетди. Улар фуқаролик паспорти учун зарур бўладиган сурат ва бармоқ изларини олишга мўлжалланган мобил қурилма воситаси ёрдамида суратга олиб кетишган эди. Тез орада унинг паспорти тайёр бўлди. ИИБ ходимлари шахсан келиб, унга шу ҳужжатни туҳфа қилишди.

Балоғат оstonасидаги орзулари бир олам бу ўғил-қизларнинг 20 нафарига 16 ёшга тўлиши муносабати билан фуқаролик паспортлари топширилди. Улар орасида Дилноза Рихсибоева ҳам бор.

– Фуқаролик паспорти менга, аввало, Ўзбекистондек буюк юрт фарзанди деган муқаддас шарафни берди, – дейди Дилноза. – Қолаверса, ҳар қадамда она Ватан химоясини ҳис этиб яшаш бахтини ато этди. Бундай шарафни оқлаш, шундай бахтга муносиб бўлишни фарзандлик бурчим деб биламан.

Ўз мухбиримиз

## СИНОВЛАРДАН ЎТДИК, ЭНДИ ХИЗМАТГА



Музробжон Нигматов Чирчиқ шаҳридаги Бобур номли маҳаллада туғилиб, вояга етди. Худуддаги 9-умумтаълим мактабидан, шаҳардаги техника коллежидан таълим олди. Дарсдан бўш вақтларида ўз билимини оширишга ҳаракат қилди, мустақил равишда спортнинг оғир атлетика тури билан мунтазам шуғулланиб, муддатли ҳарбий хизматга жиддий тайёргарлик кўрди.

### Мардлар кўриқлайди, Ватанни!

– Армияга бориб келган қўшниларим: "Хизматга бориш ниятинг бўлса, спорт билан жиддий шуғуллан, яхши ўқи, шунда мақсадингга етасан", дея кўп таъкидлашарди, – дейди Музробжон. – Шуларга амал қилиб, синовлардан ўтиб, бугун ўз йигитлик бурчимни ўташга йўл олаётганимдан хурсандман.

Мамлакатимизда фарзандларимизни, хусусан, чақирув ёшидаги ўғлонларимизни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлаш, санолатлиги, интеллектуал салоҳияти ва руҳий ҳолатини текшириш

ҳамда уларни турли синовлардан ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу ишлар натижасида миллий армиямиз сафлари ҳар жиҳатдан соғлом ва бақувват, билимли ва дунёқарашли кенг йигитлар билан тўлдирилмоқда.

Навбатдаги бир гуруҳ ўғлонларни ҳарбий хизматга кузатиш муносабати билан вилоят чақирув пунктида ташкил этилган маросимда шулар ҳақида сўз юритилди. Унда сўз олган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар мардлик

мактабига отланган йигитларга оқ йўл тиладилар.

Тадбирда миллий армиямиз тизимига Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислохотлар ёш авлод ўртасида муддатли ҳарбий хизмат нуфузини ошириш ва мамлакатимиз муҳофаза қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Маросимда вилоят маданият бошқармаси томонидан ташкил этилган муслиқий дастур намойиш этилди. Ҳарбий либос кийган йигитларга совға-саломлар топширилди.

Маросимда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, Қ. Ҳамдамов ва вилоят ҳокими ўринбосари А. Қаршиев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз  
Қобилжон ҲОҒУРОВ  
олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ СОҲАСИНИ  
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

"Матбуот тарқатувчи" АКни белгиланган тартибда "Ўзбекистон почтаси" АЖга қўшиш масаласини "Матбуот тарқатувчи" АК ва "Ўзбекистон почтаси" АЖ акциядорларининг умумий йиғилишларида қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Вазирлик икки ҳафта муддатда ўтказилаётган ташкилотларнинг штаб бирликлари ва бинолари, шунингдек, уларга тегишли бўлган товар-моддий бойликлар, шу жумладан, пул маблағларининг Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига берилишини таъминласин.

2. Куйидагилар вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда муносабатларни тартибга солиш, электрон ҳукумати жорий этиш, ахборот жамияти ва рақамли иқтисодий шакллантириш фаолиятини мувофиқлаштириш;

"охириги миля" тамойили бўйича Интернет тармоғидан кенг полосу фойдаланишни кенгайтириш, мультисервисли алоқа тармоқлари технологиялари, мобиль алоқа бозори, бошқа замонавий телекоммуникация хизматлари, шунингдек, логистика ва почта алоқаси хизматлари орқали телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, идораларо ўзаро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш, ягона электрон реестрлар ва маълумотлар базаларини, "ягона дарча" тамойили бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимларини шакллантиришга ягона технологик ёндашув амалга оширилишини таъминлаш;

давлат бошқаруви ва иқтисодийнинг реал секторига инновацияларни жорий қилишга кўмаклашиш, рақамли иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, шу жумладан, ишлаб чиқаришда комплекс автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш, электрон тижоратнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

шаҳар ва ҳудудий инфратузилмасини, шу жумладан, келгусида интеграциялашган, "ақли" ва "хавфсиз" шаҳар ягона комплексига бириктирилган ҳолда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, транспорт логистикасини, шойинч хизматларни бошқаришнинг замонавий интеллектуал тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш;

технопарклар ва коворкинг-марказлар фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида замонавий рақобатбардош ва экспорт учун мўлжалланган дастурий маҳсулотлар ҳамда хизматларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилишини ривожлантиришни рағбатлантириш, шарт-шароитлар яратиш ва инвестицияларни жалб қилиш;

етақчи хорижий компаниялар ва таълим муассасаларининг энг яхши амалиёти асосида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стратегик ва лойиҳа бошқаруви, менежмент, маркетинг бўйича илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил қилиш;

киберхавфсизликни таъминлаш ва тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилишни таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, шахсий ва биометрик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича технологияларнинг қўлланишини тартибга солишда иштирок этиш;

тақдим этилаётган телекоммуникация ва почта алоқаси хизматларининг юқори сифатини таъминлаш мақсадида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилишининг давлат назоратини амалга ошириш;

«Бошланғич 1-бета»

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини қўллаш ва ривожлантириш масалалари бўйича, шу жумладан, техник стандартлар, регламентлар жорий этилишини ташкил қилиш, шунингдек, Вазирликнинг фаолият соҳасига қирадиган бошқа йўналишлар бўйича халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан фойдаланишда янги ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базаларини ишлаб чиқишга, биринчи навбатда, аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ва теъдорлигини оширишга, бюрократик тартиб-таомилларга барҳам беришга, қоғоз ҳужжат айланишини камайтиришга қаратилган электрон давлат хизматларини жорий этишга устувор эътибор қаратадилар;

давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимлари уч йилда бир марта мос равишда Вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармаларида аттестациядан ўтадилар;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган ижро этувчи ҳокимият республика органлари бўлинмаларининг раҳбарлари Вазирлик билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадилар;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган ижро этувчи ҳокимият ҳудудий органлари бўлинмаларининг раҳбарлари Вазирликнинг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадилар.

4. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Вазирлик ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция (кейинги ўринларда – Инспекция) этиб қайта ташкил этилсин.

Инспекция ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида қонунчилик, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланиши белгилансин.

2018 йил 1 апрелдан Инспекцияга қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида тақдим этилаётган хизматлар сифатининг бузилиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш, олиш ҳуқуқи берилсин.

5. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги икки ой муддатда "Ўзбекистон почтаси" АЖ почта алоқаси миллий операторига агент сифатида банк ва сургурта хизматларини кўрсатиш, шу жумладан, тўловларни қабул қилиш ва ўтказиш, банк карталарига хизмат кўрсатиш, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш, ихтиёрий ва мажбурий сургурта қилиш хизматлари ва аутсорсинг шартларида бошқа хизматларни кўрсатиш ҳуқуқларини тақдим этиш масаласини ўргансин ҳамда ушбу бандни амалга ошириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлик Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда куйидагилар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

"Ўзбекистон почтаси" АЖни, шу жумладан, чет эл маслаҳатчиларини жалб қилган ва илгор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ислоҳ қилиш;

почта алоқаси операторлари ва курсёрларининг тармоғини ривожлантириш, хорижда халқаро почта жўнатмаларининг алмашинув пунктларини ташкил этиш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2018 йил 1 июндан:

тадбиркорлик субъектлари товарлар, ишлар (хизматлар) экспорт қилинганлиги учун экспорт шартномаси тузмасдан ва банк комиссияси ундирилмасдан, Интернет тармоғидаги электрон савдо майдончалари орқали, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича айрим товарлардан ташқари, товарлар, ишлар (хизматлар) экспортини амалга ошириш ҳуқуқига эга; тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижоратдан фойдаланиш орқали сотиладиган товарлар айланмаси уларнинг ҳажмидан қатъи назар, чакана савдо ҳисобланади;

б) ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида халқаро консалтинг компаниялари ва экспортларини жалб қилиш, ўз ИТ-инфратузилмасини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, Вазирлик ходимларини моддий рағбатлантириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Вазирлик ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Вазирлик ҳайъати томонидан аниқланади;

г) давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларига бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади;

д) давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга масъул бўлган бўлинма раҳбарлари ҳар йил ақунлари бўйича Вазирлик қарори асосида ахборот тизимлари, электрон давлат хизматлари ва ахборотлаштиришни жорий этиш режалари ва дастурларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилганлиги учун, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақриданмаган бошқа манбалар ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда мукофотланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 августга қадар муддатда куйидагиларни назарда тутuviчи 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҳудудларда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш дастурларини ва устувор лойиҳаларининг манзилли рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг сифатли мобиль алоқа, Интернет тармоғидан кенг доирада фойдаланишини таъминлаш;

соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим, коммунал хизмат кўрсатиш, туризм соҳасида замонавий ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларини жорий қилиш, шунингдек, "ақли" ва "хавфсиз" шаҳарлар ҳамда ҳудудларни ташкил қилиш;

давлат-хусусий шериклик асосида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, экспорт-қувватлаш;

жойларда, айниқса, олис жойларда электрон давлат хизматларини тақдим этиш тизимини янада кенгайтириш.

Белгилашсинки, дастурларни ва лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини молиялаштириш Фонд маблағлари ҳисобидан, тегишли ҳудуд мобиль алоқа хизматларини кўрсатишдаги юридик шахслар томонидан тўланадиган абонент рақамидан фойдаланганлик учун келиб тушадиган сумманинг 5 фоизгача бўлган миқдоридан амалга оширилади.

9. Мазкур Фармоннинг 8-бандида назарда тутилган дастурларнинг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш ва идораларо мувофиқлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимлари раҳбарлигида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашлар ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Вазирлик билан биргаликда бир ой муддатда: дастурлар қабул қилинганидан кейин ҳудудий кенгашлар таркибларини тасдиқласин, шунингдек, дастурлар ижросининг ҳар ойда кўриб чиқилишини таъминласин;

"Компьютерлаштириш маркази" ДУКни "Электрон ҳокимият" ахборот тизимини яратиш ва жорий этишни асосий вазифа деб белгилаган ҳолда "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" ДУКга айлантириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни кўрсин.

10. Вазирлик ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетидан, шу жумладан, унинг филиалларида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишнинг кредит тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетига:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда ўқув жараёнининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш суръатлари билан узлуксиз алоқасини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ўқув режалар ва дастурлар, битирувчилар учун малака талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

профессор ўқитувчилар таркиби меҳнатини ўқитишнинг кредит тизими шартларидан келиб чиқиб фақат таълимга хос тадбирлар асосида иш вақти ҳисобга олинишига асосланган ҳолда мустақил нормалашни амалга ошириш, шунингдек, педагогик ходимлар томонидан илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг бажарилишини рағбатлантириш ҳуқуқи берилсин.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда кредит тизими бўйича ўқитиш тартибини белгилайдиган Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлик ва Инспекция фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини киритсин;

бир ой муддатда Вазирлик ва Инспекция тўғрисидаги янгиланган низоомларни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4702-сон Фармони 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 19 февраль

## «ИШОНЧНИ, АЛБАТТА, ОҚЛАЙМИЗ...»

Янгийўл туманида ўтказилган навбатдаги сайёр судда Мухаммад Турдикулов, Камолиддин Қосимов, Нуржигит Мусаев, Бобур Илёсов ҳамда Шаҳзод Илясовларнинг жиноят иши кўрилди.

Ёшлар иттифоқи кафолат беради

Йигитлар Мухаммад бошчилигида Янгийўлдаги "Дўстлик" маҳалласида яшовчи Ақром Толиповнинг хонадонидан 23 бош қўйини ўғирлаб, воқеа жойидан яширинишган.

М. Турдикулов аввал ҳам судланган бўлишига қарамай, яна жиноятга қўл урди. Воёга етмаган ёшларни ҳам ўзига шерик қилиб, ўзаро тил бириктирган ҳолда жиноят содир этди. Судда Ўзбекистон

ёшлар иттифоқи Нуржигит, Камолиддин, Бобур ҳамда Шаҳзод қилган ишларидан пушаймонлиги, воёга етмаганлигини инобатга олиб, ўз кафилигига олди. Ўғлонлар суд залидан ота-ониси бағрига қайтди.

Авалги жазодан тегишли ҳулоса чиқармай, яна жиноят қилган Мухаммад эса жавобгарликка тортилди.

– Биз, М. Турдикуловнинг гапларига алдандик, – дейди Камолиддин Қосимов. – Қилган ишимиздан пушаймонмиз. Қайтиб, бу йўлга қадам босмаймиз. Меҳрибон ота-онамизнинг бағрида улғайиб, билим олиб, бидирилган ишонччи ҳар томонлама оқлаймиз. Ёшлар иттифоқининг энг фаол аъзоларидан бўлиб, тенгдошларимизга ўхшаб ютуқларга эришамиз.

Йигитларнинг ота-оналари ҳам уларни ўз назоратидан четда қолдирмасликларини айтиб, бундай ишонч ва бағрикенглик учун миннатдорлик изҳор қилишди.

Шоира ОХУНЖОНОВА

## САЙЁҲЛАР УЧУН АХБОРОТ МАРКАЗЛАРИ

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам туризм соҳасида инновацион ғояларни амалга ошириш ва фаол тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти.

Яхши хабар

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш департаментидан маълум қилишларича, жорий йилда сайёҳларга барча турдаги зарурий хизматлар, хусусан, интернет, халқаро сўзлашув, меҳмонхоналар ва чипталар-

ни банд қилиш, шунингдек, савдо ва маиший хизмат кўрсатишга иxtисослашган 5 та ахборот маркази ташкил этилади. Мазкур инновацион марказларни дастлабки босқичда Бўстонлик, Паркент, Охангарон ва Юқори Чир-

чиқ туманларида барпо этиш бўйича ташкилий ишлар олиб бориляпти.

Бундан ташқари, алоҳида инновацион мобиль иловалар орқали сайёҳларга онлайн авиа ва темир йўл чипталари сотиб олиш, меҳмонхона, такси буюртма қилиш, умумий овқатланиш шохобчалари ва бошқа объектлар тўғрисида ҳам тезкор маълумотлар олиш имкониятлари яратилмоқда.

Ўз мухбиримиз

Томорқа –  
хазина

Ўрта Чирчиқ туманининг "Галаботир" маҳалласида яшовчи Дилором Сиддиқова томорқасида иссиқхона ташкил қилган. Айтишича, унда 10 туپдан ортиқ лимон кўчати бор. Ушбу цитрус ўсимлигининг ҳар бир тупи йилга 50-60 килограмдан ҳосил беради, шунга қараганда йилга ўртача 3-4 миллион сўмдан ортиқ фойда кўради.

– Иссиқхонамизни кенгайтириш, мандарин кўчати экишни режалаштирганмиз, – дейди Д. Сиддиқова. – Албатта, бу маблағ талаб қилади. Бу борада бизга банк кредити асқотиши шубҳасиз. Дарвоқе, меҳнатдан эринмайдиган Дилором гулчилик билан ҳам шуғулланади. Томорқасида бўш жойни кўрмайсиз.

Ушбу маҳаллада дехқончилик сир-асрорларини муқаммал билиш, томорқадан самарали

БИР ТУП ЛИМОН –  
САЛКАМ МИЛЛИОН

фойдаланиш бўйича Парпиевлар оиласига етадигани бўлмаса керак.

– Узоқ йиллардан бери помидор, бодиринг ва лимон етиштириб келамиз, – дейди Фариди Парпиева. – Даромадимиз ёмон эмас. Ҳатто, бир йилги ҳосилнинг фойдасига "Матиз" олганмиз.

Онаҳон фарзандлари ва набираларига дехқончиликнинг нозик жиҳатларини ўргатиб, меҳнатга чиниқтириб улғайтирмоқда.

– Маҳалламизда томорқачилик яхши ривожланган, – дейди "Галаботир" МФЙ раиси Мунаввара Маҳмадова. – Президентимизнинг соҳага қаратаётган алоҳида эътибори бизни янада фаоллик кўрсатишга ундамоқда.

Маълумотларга кўра,



ўтган йили мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи ўн нафардан зиёд фуқаро иссиқхона барпо этиш учун кредит олган.

Хусусан, Қудрат Қорабоев банкдан 24 миллион сўм олиб, 6 сотихга иссиқхона қурди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Одамлар

ҳосил қилиб ишга киришган. Ҳовлимизда иссиқхона ташкил қиламан, дегувчилар кўпайиб бораётди. Зеро, бу хатти-ҳаракатлар бозорларимизда маҳсулот сербоблиги, нархи ҳамёнбоб бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

З. ҚАМБАРОВ

Табиат ва инсон

Дарҳақиқат, шундай. Ахир, бир кунгина сувсиз яшаб кўринг-а... Тоза ичимлик суви масаласи бутун дунё микёсида энг долзарб муаммо бўлиб қолмакда.

# СУВНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Жамият тараққиётида мавжуд табиий ресурслар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бугун ҳар бир шахсдан табиат қонунларига мос турмуш кечириш, нафақат сувни, балки барча табиий бойликларни, боғу роғлар, тоғу тошларни, унинг хайвонот ва наботот олами кўз қорачиғидек асраш талаб этилади. Улардан оқилона фойдаланиш ва келгуси авлод учун атроф-муҳитни асраб-авайлаш ва соф ҳолда етказиш сиз билан бизнинг вазифамиз эканини чуқур англашимиз керак. Бу мамлакатимиз аҳолисининг соғлом ҳаётини таъминлашдаги асосий шарт ва омиллардандир.

Фан-техника инқилоби ва санаят ишлаб чиқаришининг юқори суръатларда ўсиши инсон турмуш фаровонлигининг ортишига олиб келиши билан бирга атроф-муҳитга ўз салбий таъсирини кўрсатди. Инсон техноген фаолиятининг оқибатлари денгиз ва чуқур сув ҳавзалари, атмосферанинг санаят чиқиндилари билан ифлосланиши, қишлоқ ҳўжалиги майдонларининг қисқариши, тупроқлар ҳосилдор қатламнинг табиий жараёни, яъни сайёранинг гидрологик циклига салмоқли таъсир кўрсатаётди.

Деярли барча ҳудудларда бу аҳвол XX асрнинг бошларида айтарли ташвиш туғдирмади. Куёш, ҳаво ва сувда аралашган

ни назорат қиладиган аналитик назоратга ихтисослашган инспекциялари (АНИИ) сувни ифлослантувчи манбалар мониторингини амалга оширади.

Бу инспекциялар республикада жойлашган аҳоли пунктларида корхоналардан ташланган ифлослантувчи моддалар концентрациясини ўлчаш ишларини олиб боради. Аналитик назорат 4 дан 25 гача бўлган асосий ингредиентлар (чанг, олтингургурт диоксиди, углерод оксиди, азот оксидлари,) бўйича амалга оширилади. 1990 йилдан бошлаб ифлосланган санаят оқоваларининг сув ҳавзаларига ташланиши анча камайди, бунинг асосий сабаблари баъзи ишлаб чиқариш корхоналарининг тўла қувват билан ишламаётганлиги бўлса, яна бир сабаби табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг имкон қадар бажарилаётганлигидандир. Аслида, тоғлардан оқиб келадиган дарё сувларининг сифати жуда ҳам аъло бўлиб, бу сувлар деярли ҳеч нарса билан ифлосланмаган ва уларнинг минераллашиш даражаси унча катта эмас. Бироқ, нағза оқиб борган сари сув сифати кескин ёмонлашади.

Атмосферага чиқариладиган ифлослантувчи моддалар ер юзасига ўрнашади ҳамда ёмғир ва қор эриши натижасида ҳосил бўлган сувлар билан дарё ва кўлларга ювилиб келади. Ер ости ва усти сувлари манбаларининг ифлосланиши тез-тез содир бўлаётгани, етарлича тозаланмаган оқова сувлар билан қишлоқ ҳўжалиги ерларининг суғорилиши ҳам аҳоли саломатлигига зарар етказиши. Энг аянчлиси, ифлослан-



кислород сув ҳавзаларининг ўз-ўзидан тозаланишига кўмаклашган. Лекин, кўп миллионли аҳолига эга шаҳарларнинг кўпайиши, санаят, энергетика, сув транспортининг юқори суръатларда ривожланиши, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, суғорма деҳқончиликнинг кенгайиши сувларнинг йилдан-йилга ифлосланишига олиб келди. Нафақат ариқлар, катта бўлмаган дарё ва кўллар, балки барча сув объектлари, шу жумладан, денгиз ва ҳатто уммонлар ҳам ифлосланди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тургун ва кўчма манбалардан чиқётган чиқиндилар-

ган сув манбалари турли юқумли хасталикларни келтириб чиқиш манбаига айланаётгани сир эмас. Шу сабабли, ҳозирги кунда сув сифатини назорат қилиш, яъни сув ресурсларининг сифати ёмонлашувининг олдини олиш, уларни ифлосланишдан сақлаш, ҳолатини яхшилаш ва фойдаланишига яроқлилигини таъминлаш зарур. Бунинг учун нафақат мутасадди ташкилотлар, балки барча жамоат ташкилотлари ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориши зарур.

**С. ЖўРАЕВА,**  
давлат инспектори

# ЮРТ ОБОДЛИГИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМ БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги "Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорида вилоятимиз ҳудудиде 17 та кичик саноат зоналари ташкил этилиши белгиланган бўлиб, уларда тўқимачилик, чарм-пойабзал, кимё, озиқ-овқат, электротехника саноати, курилиш материаллари, мева-сабзавотни чуқур қайта ишлаш ва халқ ҳўжалигининг бошқа кўпгина тармоқларида юқори технологияли қувватларни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

## Қарор ва ижро

Мазкур муҳим қарор ижроси Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи томонидан доимий назорат-таҳлил тарихида ўрганиб борилмоқда. Яқинда вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда мазкур ўрганишлар ақнулари қизгин муҳокама қилинди.

Йиғилишда Халқ депутатлари



ри вилоят ҳамда туман ва шаҳар Кенгашига мазкур партиядан сайланган депутатлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, вилоят ҳокимлиги, тегишли бошқарма ва ташкилотлар мутасаддилари, Кичик саноат зоналарида фаолият бошлаган бир гуруҳ тадбиркор ва ишбилармонлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Дастлаб қарор ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати, яратилаётган шарт-шароитлар, тадбиркорлар томонидан кўтарилаётган масалалар юзасидан ташкилотлар, идоралар ва банкларга юборилган 100 га яқин парламент ва депутатлик сўровларининг натижалари таҳлилига эътибор қаратилди.

Вилоят ҳокимлиги, Давлат

рақобат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АК, "Сувқоова" ДУК, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитасининг вилоятдаги ҳудудий бўлими ва бошқармалари раҳбарларининг кўрилатган масала юзасидан ахборотлари тингланди.

Қайд этилганидек, қарор асосида тегишли туман ва шаҳарлар ҳудудиде жами Кичик саноат зоналари учун 89,66 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, ҳозирда лойиҳа ташаббускорлари томонидан курилиш ишлари олд борилмоқда. Шунга қарамай, фаолият бошлаётган тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, зоналар ҳудудиде ички ва ташқи муҳандислик-коммуникация тизимларини шакллантириш лойиҳалари тўлиқ ақунланмаган. Саноат

ҳудудларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва канализация тармоқлари билан таъминлаш ишларини тубдан танқидий қўриб қиқиш зарур. Айрим туманларда ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда белгиланган санитария ҳимоя зоналарига эътибор қаратмаслик ҳоллари мавжуд.

Йиғилишда шу ва бошқа камчиликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан тегишли тезкор чора-тадбирлар белгилаб олинди. Кўтарилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича билдирилган таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, кун тартибидеги мавзуну Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокама қилинишига келишиб олинди.

Йиғилишда Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи томонидан вилоят ҳокимининг тегишли фармойишига мувофиқ, вилоятимиз бўйлаб ўртага ташланган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ташаббуси қўллаб-қувватланди ва мазкур муҳим жараёнда ҳар бир фуқаро алоҳида ўрناق ва фаоллик кўрсатиши лозимлиги таъкидланди. Шу мақсадда партиядан вилоят Кенгаши ҳамда вилоятдаги кичик саноат зоналарида фаолият бошлаётган бир гуруҳ тадбиркор ва ишбилармонларнинг вилоят аҳлига, тадбиркор ва фермерларга, давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиядорларнинг вилоят Кенгашига, маҳалла фуқаролар йиғинларига, нурунийлар ва ёшларга Мурожаати қабул қилинди. (Қуйида мазкур Мурожаатнома матнини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.)

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилхон Рустамов сўзга чиқди.

**Алишер РАҲМАТОВ**

## Тошкент вилояти аҳлига, тадбиркор ва фермерларга, давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг вилоят Кенгашига, маҳалла фуқаролар йиғинларига, нурунийлар ва ёшларга

# МУРОЖААТ

### Азиз вилоятдошлар!

Ободлик ва бунёдкорлик азал-азалдан халқимизнинг қон-қониға сингиб кетган эзгу удум, боқий қадрият саналади. Бугун муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолиғида ўз келажagini ўз кўли билан бунёд этишга астойдил бел боғлаб, тараққиёт ва янгиланишларнинг янги босқичига шахдам қадам қўяётган олижаноб халқимиз шузирида бундай умрбоқий қадриятлар янгича маъно ва мазмун касб этиши табиийдир.

Зотан, ободлик, аввало, қўнгилдан бошланади. Бу давватни қалбига жо қилиб, ўз уйи, ўз маҳалласи, ўз юртини гўзал ва обод қилиб, бундан мамнун бўлиб яшаш асл инсонийлик мезони, турмуш зийнатидир, десак адашмаймиз. Бугун бутун вилоятимиз бўйлаб мана шу эзгу эҳтиётдан келиб чиқиб, қанотли ташаббус ўртага ташланди.

Вилоят ҳокимининг фармойишига мувофиқ, январь, февраль ва март ойлари ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш палласи этиб белгиланди. Мақсад – яшариш ва янгиланиш, қут-баракка, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўзи маҳалларда, шаҳар ва қишлоқларимизда кенг қўламдаги яратувчанлик ва бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан қарши олишидир.

Янги биламизки, Наврўзи олам – халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрамидир. Юртимизда каттаю кичик – барча Шарқона янги йил бўлмиш ушбу айёмни орзиқиб кутади. Эзгулик, меҳр-муруват, хайр-саховат айёми қалбларга олам-олам сурур ва орзу-ҳаваслар бахш этади. Айни кунларда бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам Наврўз байрамини кўтаринки руҳда, умумхалқ сайли тарзида нишонлаш юзасидан кенг қўламда ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, ободлик, бунёдкорлик, яратувчанлик Наврўз айёми моҳиятига, унинг қадимий ва боқий фалсафасига айни ҳамоҳангдир. Бундай байрамлар, ҳеч шубҳасизки, барчамизнинг азму шижоатимиз, ташаббус ва фидойилигимиз билан обод ва кўркем бўлган манзиллар, боғу хиёбонларга ярашади!

Қаҳратон қишнинг сўнгги ойи ҳам поёнлаб бормоқда. Халқимизда "Қантар оғди, энди қозикда қор турмас", деган ибора бор. Демакки, совуқ кунлар ортда қолиб, жаннатмонанд юртимизда кўкларнинг хуш насимлари эса бошляпти.

Бу муаззам паллада она табиат уйғониб, атрофга ўз гўзаллигини кўз-кўз қилади. Дарахлар куртак ёзиб, майсалар ниш уриб, бизга ҳаёт абадийлиги, яшамок саодатидан сабоқ беради.

Айни шу палладан ота-боболаримиз янги деҳқончилик мавсумини бошлаганлари ҳам беҳиз эмас. Барчамизни боқайтган, тўйдираётган саховатли она замин бағрига кўклар куёшининг тафти тегиши билан борлиқ уйғонади, ризқ-насибамиз нишонлари уна бошляпти. Бундай паллада ерга суқилган ҳар қандай ниҳол, экин-тикин бенуқсон кўкаради, баравж ривожланади.

Баҳорни фаслар ичида энг беқарори, деб таърифлашади. Негаки, унинг олтинга тенг, ғанимат фурсатлари гўёки кўз очиб юмгунчалик лаҳзада ўтиб кетади. Бу кунларни ғанимат билиб, қадрига этиб, кўкаламзорлаштириш ҳаракатларини барвақт бошлаган инсон борки, муродига етади, меҳнатларининг тотли самараларидан, албатта, баҳраманд бўлади.

Бугун кўллаб маҳалларимизда одамлар ташаб-

бус кўрсатиб, ҳашарлар ташкил этмоқда. Маҳалла ва тураржойлар орасидан, арик-зовурлар тозаланимоқда, табарруқ қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилмоқда.

"Бир йил тут эккан юз йил гавҳар теради", деган гап бор халқимизда. Айни дамларда кўча ва хиёбонларга манзарали дарахт кўчатлари ўтказишга жуда катта тадорик қўрилоқда. Боғбону соҳибкорларимиз, омилкор фермерларимиз аллақачон янги, замонавий интенсив усулларда боғ-роғлар яратиш ташаббусини бошлаб юборганлар. Зотан, кўчат экиш ободликнинг энг муҳим омилларидандир. Дарахт бор жойда гўзаллик, мусоффо ҳаво, ризқ-рўз бўлади. Хонадондаги файзу барақа янада ортади, саломатлик мустахамланади. Дарахтларга – меҳнатнинг самарасига боқиб, кўз қувнайди, дил йрайди.

Ободонлаштириш ҳашарларида, кўчат экиш баҳонасида йиғилган дўстлар, қўни-қўшниларнинг дилортар суҳбатлари ҳамил-мутойибалари кишига хуш кайфият бағишляпти. Ота-оналарига кўмаклашишга уринган болакайларнинг шодлиги оламга сигмайди. Одамларнинг ушшоқлигини кўрган ёш авлод шу юртининг бахтиёр фарзанди эканини янада чуқурроқ ҳис этади. Негаки, бундай ҳаётбахш одатларимиз замирида халқимизга хос бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб тўйгулар муҳассам. Қўни кўрган халқимизнинг бундай азалий одат ва анъаналарининг жуда катта маънавияти, маърифати бор, аслида.

Вилоятимизда жойлардаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун махсус танлов ҳам эълон қилганидан хабарингиз бўлса керак. Ободонлаштириш ойлари кунини яқунга кўра, энг обод маҳалла, кўча ва хиёбонлар, хонадонлар аниқлашиб, ташаббускорлар ва бу ишларга бош-қош бўлганлар пул муқофотлари ва қимматбахо совғалар билан тақдирларини кўзда тутилмоқда.

**Биз ҳамиша жамиятимизнинг энг олди қатламларида юрадиган ташаббускор, сергайрат, қилни қирқ ёрадиган тадбиркор ва ишбилармонларга, ҳиммати балан боғбону соҳибкорлар, омилкор фермерларга мурожаат қиламиз!**

Бугун тараққиёт пиллапояларидан дадил одимлаётган давлатимиз, бутун халқимиз сизларга суянмоқда, ишонмоқда, қўллаб-қувватламоқда. Шундай экан, белни маҳкам боғлаб, бундай эзгу ташаббускорлар энг биринчилардан бўлиб бош қўйишингиз, юртимиздаги ободлик ва фаровонлик учун ҳиммат ва ўрناق кўрсатишингизга ишонамиз!

**Биз вилоятимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолларига мурожаат қиламиз!** Қайсики ишхона, хонадон ё маҳалла озода ва саранжом-саришта бўлса, ўша жойда файзу барақа, хотиржамлик бўлади. Халқимизнинг бугунги фаровонлиги ҳам ана шу ободлик ва бунёдкорлик самараси бўлса не ажаб? Уйлаймизки, буни чуқур англаб етган ҳолда, вилоятимизда бошланган хайрли сайё-ҳаракатларнинг бошида турасиз, қалб амири ва давъатига "лаббай" деб, кўкаламзорлаштириш ойларида шахсий ўрناق ва шижоат кўрсатасиз!

**Биз вилоятимизда катта куч ва муносиб обрўга эга бўлган сиёсий партияларга,**

ҳамма вақт эл-юрт орасида юрадиган зиёлилар, халқ сайлаган, ишонч билдирган ҳурматли депутатларимизга мурожаат қиламиз!

Эл ўзи ишонган, қўнгилдан жой берган инсонларга эргашади, шулардан ибрат олади. Бугун одамларни бир мақсад, бир манфаат йўлида бирлаштириш, улугвор ишларга сафарбар қилишга сизнинг ўрнингиз ҳар қанонидан ҳам муҳим бўлиб турганини, ўйлаймизки, яхши англайсиз. Зотан, ободлик, саранжом-саришталик қандайдир мажбурият остида ёки фойда илинжида эмас, балки савоб умидида, холис ният билан бажариладиган ишдир. Одамлар қалбига йўл топиб, уларни муштарак мақсадлар йўлида бирлаштиришда ўз сўзингиз, ўз ўрнингиз бўлишига биз, албатта, ишонамиз!

**Биз кўпни кўрган нуруний отахонлар, қайнони онахонларга юзланамиз!**

Маслаҳатли тўй тарқамас, дейдилар. Бинобарин, нурунийлар ибрати, маслаҳати, йўл-йўриғи билан ҳар қандай мушкулотнинг ечимни топишган, одамларга манфаат етадиган улугвор ниятлар, мақсад-муддаолар рўёбига йўл очилган. Ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир маҳалла ва ҳар бир жамоанинг файзи, фаришаси бўлган азиз отахону онахонларимиз, албатта, масъулиятли ойлликда бу ишларнинг бошида турадилар, ибратли насихатлари, хайрли дуолари билан кўпчиликка мадад, рағбат берадилар. Бугунги дорилорам кунларда қалбига қирқ йиғиннинг кучи ва шижоатини жо қилиб олган кексаларимиз маҳалла-қўйни, фарзанду набира, эвараларни бу савобли ишда янада гайрат ва матонат кўрсатишга давъат этадилар, бу ишдан четда турганларни йўлга солидилар, керак бўлса, танбеҳ берадилар, деган умиддамиз.

**Биз эл таянчи, юрт суяничи, эртанимизга муносиб давомчи бўлган ёшларимизга мурожаат қиламиз!**

Дунёда "болам" деб яшайдиган халқимиз. Ҳамиша барча орзу-ниятларимиз рўёбини ёш авлод келажаги ва камоли билан боғлаймиз. Зотан, ёшликнинг ўзи ҳам асли кўклардек тиниқ, беғубор орзу-умидлар мавриди, гуллаб-яшамок фасли, яратувчанлик, бунёдкорлик палласидир. Енгини шимиринг, белни боғланг, юрт юкига елка тутинг, азиз ёшлар! Зеро, бугунги сайё-ҳаракатлар, интилийш машаққатлар билан тобора обод бўлиб боражақ Ватанинг асл эгалари Сиз!

**Қадри вилоятдошлар!**

Мана кўрасиз, бу ташаббус самарасида барпо бўлган боғлар, чаманзорлар, гулзорлар халқимизнинг порлоқ истикболи, юртимизнинг ободлиги тимсоли сифатида ҳамиша гуркираб, гуллаб-яшанаб туради. Бу хайрли ва савобли ишда четда турмайлик, юртимиз, вилоятимиз ободлиги ва тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшайлик. Президентимизнинг эзгу давъатлари билан айтганда, барча сайё-ҳаракатларимиз ободлик, бунёдкорлик ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилсин!

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – О'ЗЛИДЕР ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ КИЧИК ИКТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШДА БИР ГУРУҲ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР**

## Ҳаракат хавфсизлиги

Президентимизнинг "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш таъминоти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ИИБ ЙҲХ бошқармаси томонидан йўл ҳаракати иштирокчиларининг қондаларга риоя қилиш маданиятини ошириш, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқотни кучайтиришга қаратилган навбатдаги "Автопатруль рейд" профилактика тадбири ўтказилди.

## ҚОИДАНИ ҚОЙИЛ ҚИЛГАН АДАШМАЙДИ

Тадбир доирасида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан 107 та маст ҳолда ва 150 дан ортиқ тегишли ҳужжатларсиз транспорт воситаси бошқариш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чора кўрилди. Қондабузарларнинг 250 дан зиёд автомашинаси вақтинчалик жарима майдонларига қўйилди. Шунингдек, пиёдалар иштирокида-

ги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг амалдаги йўл ҳаракати қондаларига итоат қилган ҳолда серкатнов йўллар ва чорраҳалар, пиёдалар учун белгиланган жойлардан ўтишларини назорат қилишга қаратилган "Дикҳат, пиёда!" профилактика тадбири ҳам бўлиб ўтди. Таълим муассасалари, пиёдалар кўп

ҳаракатланадиган жойларда профилактик суҳбатлар ташкил этилиб, мавзуга оид махсус видеороликлар намойиш қилинди. Шу билан бир қаторда, тадбир доирасида йўл ҳаракати қондаларига риоя қилмаган 147 нафар пиёдага нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Ўз мухбиримиз



Эълон  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ТСРҲИ томонидан (реестр рақами 012679-08) 8.01.2017 йилда рўйхатдан ўтган "OPTIMUS SERVICE" масъулиятли чекланган жамияти (ИНН 304516019) таъсисчининг 2018 йил 10 февралдаги 3-сонли қарорига асосан ўз фаолиятини ихтиёрий тугатади.  
Мурожаат учун телефон: (+99890) 921-82-80.

Ҳозирда нодавлат телеканалларнинг аксар эфир вақтини клиплар тўлдирётгани бор гап. Уша клиплар ёшларимиз қорачиқларни, онгу қалбини нималар билан тўлдирётганини кўра-

дунёнинг машҳур шаҳарлари ва санъаткорнинг бир қанча либосдаги кўринишлари билан "бойтиляпти". Айниқса, сўнги ҳолат – ажабтовур кийимлар намоиши урф бўлаётгани заррача

ўзини бозорга солишми? Ачинарлиси, бундай кийиниш пойгасида бошқа ёшлар ҳам хонандаларга тақлид қилиб, баъзан ўзи ҳам кетаятлар. Бугун бу масалага аҳамият қаратмасак,

олиб бормаслигини ёшларга уқтирадиган жўмард устозлар наҳот қолмади? Мухтарам Президентимиз ўтган йилнинг 3 августда мамлакатимиз ижодкор зиёлилари ва-

фақат иқтисодий фойда кўриш мақсадида кираётган бўлса, улар, марҳамат, тадбиркорлик, бизнес соҳасига борсин. Мана, бу борада қанча-қанча имконият ва имтиёзлар яратиб бераймиз – шу соҳага ўтиб ишласин. Лекин ижодий ишларга аралашиб, ўзини ҳам, санъат деган муқаддас тушунчани ҳам беобрў қилмасин. Бундан ҳеч қачон унутишга ҳаққи йўқ".

Яқинда "Ўзбекконцерт" давлат муассасасида клипларни ҳам муҳомадан ўтказадиган Бадий кенгаш тузилганини эшитиб қувондик. Агар ушбу кенгаш назардан ўтмаган клипларнинг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишига йўл қўйилмаса, жуда кўп бачкана тасвирлар, беҳаё либослар тарқалишининг олди олинди.

Фикрларимизни сўз мулки султони бўлган Навоий бобомиздан иқтисод билан боғлашдик. Мақолага муносиб хотимани ҳам буюк аждодимизнинг бой бисотидан топдик:

"Либос ҳар нечаким зебодур, кийганингни кийдурганин авлоду".

Шоира **БОЗОРОВА**,  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири

## «ЛИБОС ҲАР НЕЧАКИМ ЗЕБОДУР...»

Бошқа элларни билмадигу, аммо биз учун февраль ойи гоят қадри ва суюмлидир. Чунки, айни ойда халқимизнинг икки буюк фарзанди – ҳазрат Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган. Шунинг учун мазкур мавсумда адабиёт, маънавият, санъат ҳақида ҳар қачонгидан кўп ва ҳуб сўз юритсак ярашади. Навоий бобомиз "Маҳбуб ул-қулуб" асарида "Кўнгул қуввати – хушнавоздин, руҳ қути – хушовоздин", ҳикматини бежиз қайд этмаган. Лекин, бизнинг санъатга бугунги муносабатимиз донишманд аждодларимиз қарашларига қанчалар уйғун, деган саволнинг жавоби хижолатга солади кишини.

### Маданият

била туриб индамаслик, келажакка хиёнат эмасми? Очиги, кўп ҳолларда клип деб тақдим этилаётган яраткичлар шунчаки тасвирлар кетма-кетлигидан иборат видеомаҳсулот бўлиб қолмоқда. Емон томони, бу тасвирий кетма-кетликда на мантиқ, на воқеалар ривожи, на кульминация ва на ечим бор. Уларнинг ўрни хашаматли уйлар, қимматбаҳо машиналар,

инсофи бор одамни ташвишга солиши тайин. Баъзи аёл хонандалар эфирга бемалол кийиб чиқаётган либосларни ҳаёси бор қиз-жувонлар наинки кўча-кўйда, ҳатто уйда ҳам кийиб юролмайдилар. Қолаверса, эйтибортотар кийимда миллатимиз менталитетига зид хатти-ҳаракатлар қилиб, тўлғониб эфирга чиқишдан мақсад нима? Кўшиқ айтишми ёки



эртага кеч бўлиши шубҳасиз...

Рости бизда аллақачон кўшиқ қулоқ билан эмас, кўз орқали қабул қилинадиган бўлди. Натижа мана: санъат оламини ёшлар ижро маҳорати билан эмас, антиқа қиёфалару, гоҳо очик-сочик кийимлар билан забт этишга киришдилар. Лекин, бу уринишлар чинакам санъат оламининг остонасига ҳам

киллари билан учрашганларида алоҳида таъкидлаб ўтган фикрларини кўшиқчиликни бозорга айланттирганларга яна бир бор эслатсак: "Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Кимда-ким бу соҳаларга фақат пул ишлаш,

### Танлов

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида "Энг фаол кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

## КЎПНИ КЎРГАНЛАР ИБРАТИ

Фуқаролар йиғинларида кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилар томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш ва илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган тадбирда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида голиб бўлган 19 нафар маслаҳатчи 3 та шарт асосида ўзаро рақобатлашди.

Вилоят маҳаллалар кенгаши, "Нуроний" жамоғамаси вилоят бошқаруви, Ички ишлар бошқармаси масъуллари, қатор ҳамкор ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган маросимда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамоғамаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида маҳаллаларда кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилар лавозими жорий этилиб, вилоятдаги мавжуд 1007 та маҳаллада ушбу вазифаларга бой ҳаётий тажрибага эга, аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ибратли миллий-диний анъаналар ва урф-одатларни ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўткази оладиган фаол нуронийлар сайланди.

Бугунги кунда фидойи нуронийлардан иборат маслаҳатчилар маҳаллаларда ёшлар ўртасида ўзаро меҳроқибат туйғуларини шакллантириш, жойлардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, кўмакка муҳтож оилалар, айниқса, кексалар ва ногиронлиги бўлганларга ёрдам бериш каби қатор йўналишларда кўламли вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Танловда Олмалик шаҳридаги Сўфи Оллаёр номли маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси А. Тулаев 1-ўринни қўлга киритиб, республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

– Маҳалла фаолиятини ойлик олиб ишлайдиган 4 та ходим ёки худудга бириктирилган профилактика инспекторларига боғлайдиганлар адашади, – дейди А. Тулаев. – Чунки, маҳалла шу худудда яшовчиларнинг умумий оиласи, Ватаннинг ажралмас бир бўлагидир. Шунинг учун ҳам она Ватанни – Ўзбекистонни севадиган, оиласи тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига, ундаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига, тадбиркорлик ривожига, қўйингки, маҳаллада кечаётган ҳар битта жараёнга масъулият билан ёндашмоғи лозим.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, 2-ўринга Қибрай туманидаги "Навбахор" маҳалла маслаҳатчиси З. Шораҳмедов лойиқ топилди. 3-ўрин Бекобод туманидаги "Қўштамғали" маҳалла маслаҳатчиси Б. Сайдиновга насиб этди.

Кўрик-танлов якунида барча голиб ва совриндорларга махсус диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

## ЭНГ ЯХШИ СОВГА...

Айтишларича, Грузияда турмушга узатилаётган қизлар сепида, албатта, мутафаккир шоир Шота Руставелининг "Арслон терисини ёпинган пахлавон" асари бўлар экан.

### Китобхонлик

Не бахти, азалдан бой маданий меросга эга халқимиз учун бу янгилик эмас. Миллий қадриятларимиз эъзозланиб, ватандошларимиз онгу шуурида маънавий юксалиш рўй бераётган, интеллектуал салоҳияти ўсиб, оммавий китобхонликка катта эътибор қаратилётган шу кунларда бу анъана одатий ҳолга айланди.

Нурафшон шаҳрида яқинда очилган ва кундан-кунга гавжумлашиб бораётган "Китоб дунёси" дўконига бир аёл кириб келди. Бошқа миқозлар қатори энг замонавий дизайн ва юқори матбаачилик санъати асосида чоп этилган ранго-ранг китобларни томоша қилаётган аёл бирдан:

– Турсуной Содикованинг барча асарлари бор экан, бешта томининг ҳаммасини сотиб олиб, қизимнинг сепига қўшаман, – деди.

Дарҳақиқат, ижодкорнинг "Ҳаёт тилсим" асаридаги "Қизларга аталган сўзлар", "Келинлик илми", "Жуфтлик масъулияти" каби бадиалари уни мутолаа қилган қизларни бахт кошонасининг садоқатли, оқила бекалари бўлишга даъват этади.

Туманининг "Галаботир" маҳалласида яшовчи Дилором Мансурова эса ака-ука Гримларнинг жаҳонга машҳур эртаклари китобидан бир йўла 30 дона сотиб олди.

– Яқинда неварам Сардорбекнинг суннат тўйини қилаяпмиз. Бу китоб-

ларни унинг ўртоқларига совға қиламиз, – дейди онахон.

Қорасувлик Ориф ота ҳам набирасининг туғилган кунига совға қилиш учун бир талай эртак китоблари харид қилди.

"Қатрада қуёш акс этади", дейди доно халқимиз. Мамлакатимизда сифатли китоблар чоп этиш ва китобхонликни оммалаштириш борасида жуда катта қўламада ишлар олиб борилмоқда. Жойларда янгидан-янги китоб дўконлари қурилиб, фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу дўконларда нашриётларнинг сифатли, замонавий дизайндаги китоб маҳсулотлари савдоси амалга оширилмоқда. Бундан аҳоли миннатдор.

– Ҳозирги кунда 300 дан ортқ номдаги 4 минг донадан зиёд китоб бор, – дейди "Китоб дунёси" дўкони раҳбари Муҳаммадхон Ҳакимов. – Улар орасида жаҳон адабиёти дурдоналари, мумтоз ва ҳозирги ўзбек адабиёти, шунингдек, диний-маърифат мавзудаги, халқ таботати, болалар адабиётининг энг оммавий китоблари ўрин олган. Қолаверса, миқозлар талаблари бўйича исталган асар ва қўлланмаларни нашриётлардан етказиб беришни ташкил этмоқдамиз.

Бу китоблар аҳоли маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган, уларнинг дўстлари, фарзандлари учун гоят қадри совға бўлиб қолмоқда.

Маъмурият **БОЗОРЛИК**



### Қайноқ чойнинг зиёни

Инсон касалликка чалинишига ўзи сабабчи бўлар экан. Буни хитойлик олимлар яна бир бор исботладилар.



Аниқла нишича, қайноқ чой, алкоголь ва чекиш кабилар қизил ўнғач саратони пайдо бўлиши хавфини ошираркан. Олимларнинг бу борадаги тадқиқоти Annals of Internal Medicine журналида эълон қилинган. Улар тўққиз

йил давомида 30-79 ёшлар оралмида бўлган 456 минг кишининг соғлиги ва таомланишини кузатиб, ўрганиб борган. Ўтган вақт мобайнида уларнинг 1 минг 731 таси қизилўнғач саратонига дучор бўлган. Маълумотларга кўра, бу касаллик қайноқ чой ва алкоголь маҳсулотларини доимий равишда ичадиган беморларда беш маротаба кўпроқ учрайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳарорати Цельсий бўйича 65 даражадан юқори бўлган ичимликлар ички аъзоларга термик жароҳат етказди, улар кейинчалик онкологик хасталикларга айланиши мумкин.

**850 минг долларлик дори**  
АҚШ тарихидаги энг қиммат дори – бир қадоғи

учун 850 минг доллар бўлган Luxturna препарати савдога чиқарилмоқда.

Уни Филадельфиядаги ген терапиясига ихтисослашган Spark Therapeutics фармацевтика компанияси тақдим этди.



Luxturna – генетик модификацияланган вирус ёрдамида бемор организмнинг парда хужайраси геномини тўғрилайдиган биринчи ген терапиясидир, у кўриш қобилиятини қисман тиклайди. У ўзида "тўғри" PRE65 генини олиб

юрувчи, генетик модификацияланган вирусли эритма кабидир. Вирус тўғридан-тўғри кўзга юборилади ва пардада тўғрилган фермент ишлаб чиқаришни бошлайди. Амалиёт 45 дақиқа давом этади. Хабар қилинишича, препаратни бир марта қўллаш етарли. Синов жараёни Luxturna инсонларнинг кўриш қобилиятини ҳақиқатан ҳам тиклашини кўрсатиб берди. Гарчи дори-нинг нархи жуда балан бўлса-да, Luxturna – тиббиётдаги ҳақиқий инқилобга айланиши мумкин, сабаби ген терапияси ҳам ирсий касалликларда, ҳам саратон билан курашда ёрдам беришига умид қилинмоқда.

### «Қаҳрамон буви»

Хитойнинг Гуанси провинциясида яшовчи 9 ёшли Хаовен 2 ёшида шол бўлиб қолган. Ота-онаси ажраси кетганлиги сабабли у буви-си қарамоғида.

76 ёшли Ши Юйнинг наби-раси мактабга бориб келиши учун ҳар кун 24 километрли массафани босиб ўтади. Болақайнинг ягона вазисий, "қаҳрамон буви" шундай дейди: "Менда куч боракан, уни доим олдинга ҳаракатлантиравераман". Бошида буви набирасини мактабга велосипедда олиб борар эди. 2017 йилнинг июль ойида маҳаллий ҳокимият болага ногиронлар арванасини совға қилди. Шундан бери Ши Юйнинг набирасини мактабга икки маҳал арваначада олиб боради. У ҳар кун тоғ тизмаси бўйлаб 24 километр массафани босиб ўтади. Бувининг бу ишни мажбурлигидан эмас, балки ўзи истаб қиладиганлиги билан. У набираси муваффақиятга эришишига чин юракдан ишонади. Унинг айтишича, бола математика фанидан жуда қобилиятли.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги туризмни ривожлантириш Департаменти туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш истагини билдирган хўжалик юритувчи субъектлар, туристик фирмалар, консалтинг ва инвестицион компанияларни ҳамда туризм соҳасида иш бошлаш ёки лойиҳа амалга ошириш истагида бўлган фуқароларни ҳамкорлик қилишга чақиради.

### Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари:

- Янги туристик фирмалар очиш, туристик фирмалар фаолиятини кенгайтириш;
- Янги туристик маҳсулотлар, йўналишлар ишлаб чиқиш;
- Сайёҳларни ташишга ихтисослашган транспорт корхоналари ташкил қилиш;
- Туристтик инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш.

### Мурожаат учун телефонлар:

+ (998 71) 232-80-62

+ (998 99) 890-10-73

Telegramm



**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир  
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

Маърузи:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32.  
Электрон почта:  
thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
Масъул котиб:  
Бўлим муҳаррирлари  
Шартнома ва эълонлар:  
Ҳисоб-китоб бўлими:  
233-58-85 (факс)  
233-70-10  
233-12-83  
233-38-23, 233-48-08  
233-81-21, 233-65-59  
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
**Сайёра РИХСИЕВА**  
Назоратчи мусоҳиҳ  
**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**  
Саҳифаловчи  
**Тоҳир МАҲМУДУЖЎАЕВ**